

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖАБОВА ЛОБАР РАМАЗОНОВНА**

**КОНТРАФАКТ ТОВАРЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ КИМЁВИЙ  
УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ**

**02.00.09 -Товарлар кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Раджабова Лобар Рамазоновна**

Контрафакт товарларни аниқлашнинг кимёвий усуллари ва уларни  
таснифлаш. .... 3

**Раджабова Лобар Рамазановна**

Разработка методы химического анализа и классификации  
контрафактной продукции..... 21

**Radjabova Lobar Ramazanovna**

Chemikal methods of counterfeit defection and their..... 39

**Эълон килинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖАБОВА ЛОБАР РАМАЗАНОВНА**

**КОНТРАФАКТ ТОВАРЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ КИМЁВИЙ  
УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ**

**02.00.09 -Товарлар кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1269 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Каримкулов Курбонкул Мавлаикулович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Раҳимов Дилшод Аҳмедович  
кимё фанлари доктори, профессор  
Хамрокулов Махмуджон Гофуржонович  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:** Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» сентябр соат 10<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоний кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс : (99871) 244- 79-17; e-mail: tcti\_info@edu.uz.).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 129 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоний кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21.

Диссертация автореферати 2021 йил «18» сентябр кuni тарқатилди.

(2021 йил «18» сентябр даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)



Х.Л.Пулатов

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Ф.Б.Игитов

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

Д.А.Раҳимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини содалаштиришни талаб этади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра (2018 йил) Дунё миқёсида ҳар йили 600 млн., яъни ҳар 10 нафар аҳоли сифатсиз озиқ-овқатлардан заҳарланади, 420000 аҳоли вафот этади, контрафакт ва сифатсиз алкоголь маҳсулотларидан 2.5 млн. аҳоли заҳарланади. Ушбу маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики аҳолини сифатли озиқ-овқатлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда, контрафакт ва сифатсиз товарларни аниқлаш мақсадида, автомобиль саноати, инновациялар, товар белгилари ва саноат намуналари мавзуларида, шунингдек, контрафакт ва фальсификация қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини, идентификациялаш қонуниятлари ва тенденцияларини татбиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада жумладан, алкогольли ва алкогольсиз салқин ичимликларнинг кимёвий таркиби асосида янги товар кодларини ишлаб чиқиш уларни тавсифлаш ва изоҳлар тайёрлаш; божхона экспертизасининг тезкор ва самарадор услубларини ишлаб чиқиш; алкогольли ва алкогольсиз салқин ичимликларнинг кимёвий таркиби асосида янги товар кодларини ишлаб чиқиш уларни тавсифлаш ва изоҳлар тайёрлаш, божхона экспертизасининг тезкор ва самарадор услубларини ишлаб чиқиш; алкогольли ва алкогольсиз салқин ичимликларининг меъзонлар асосида таснифлашнинг содда экспресс усулларини яратиш ҳамда амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада алкогольли ва алкогольсиз салқин ичимликларнинг кимёвий таркиби асосида янги товар кодларини ишлаб чиқиш уларни тавсифлаш ва изоҳлар тайёрлаш бўйича илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида ...“экспорт-импорт операцияларини амалга оширишни янада такомиллаштириш, расмийлаштириш муддатларини, зарур ҳужжатлар сонини ҳамда ҳаражатларни қисқартириш” га қаратилган<sup>1</sup> муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан контрафакт товарларни аниқлашнинг кимёвий усуллари ва уларни таснифлаш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3 апрелдаги

ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда контрафакт ва фальсификация қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини, муаммо ва истикболлари мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилганлик даражасини ўрганиш мақсадида, бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилди, диссертация, монография, мақолалар таҳлил қилинди. Жумладан, ушбу йўналишда узоқ чет эл олимларидан М.W. Dong (АҚШ), L.A. Buch (АҚШ), J.A. William (АҚШ), Т.К. Michael (Англия), Хи Chunxiu (Хитой), Р.J. Entwisle (Германия), J.O. Omamogho (Япония), Россиялик олимлардан П.В. Афонин, И.К. Сальников, С.А. Савчук, Д.В. Ярошенко, Я.И. Яшин, А.Я. Яшин, В.Д. Гладилов, Е.П.Подольская, А.А. Формановский, Е.В. Бабанова, Н.В. Веселовская, Б.Н. Изотов, М.Л. Рабинович, Е.С. Бродский, В.В. Ерофеевлар кенг қўламли изланишлар олиб борган бўлиб, хусусан улар томонидан турли хил йўллар билан қалбаки маҳсулотларини аниқлашнинг оптимал усуллари ва ушбу товарларнинг инсоният ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини илмий қонуниятлар билан асослашда юқори натижаларга эришилган. Ўзбекистонда божхона экспертизаси фаолиятида физик-кимёвий таҳлил услублар билан контрафакт ва фальсификация қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини, идентификациялаш муаммолари юзасидан И.Р. Асқаров, Қ.М. Каримқулов, Л.Т.Пулатова, Г.Хамроқулов, А.А.Ибрагимов, Х.Исаков, М.А.Ахмадалиев, Ш.Х.Абдуллоев, Н.Х.Тўхтабоев, Б.Абдуғаниев, Ш.Киргизов, А.Кулимов, А.Абдурахманова ва бошқалар томонидан илмий ишлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Мавжуд адабиётларда, шунингдек, товарларни таснифлаш тўғрисидаги илмий нашрлар, уларнинг мақсади сифатида товарларни таснифлаш усуллари бўйича фақат айрим муаммоларини ҳал қилиш бўйича илмий ечимлар берилган. Амалиёт манбаларидан олинган маълумотларнинг таҳлили, ушбу товарларни Ташқи иқтисодий фаолият товар номунклатураси (ТИФ ТН) бўйича таснифлаш учун товарларни кимёвий таркибини ўрганишни талаб қилади. Алкоголь ва алкогольсиз салқин ичимликларни товар хусусиятларини таснифлаш муаммоларининг сабабларини

тизимлаштириш ва уларни минималлаштириш усуллари излаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг ҳамда Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Божхона иши ва иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги амалий ва инновацион тадқиқотларининг устивор йўналишлари» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** контрафакт товарларни аниқлашнинг кимёвий усуллари ва уларни таснифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

контрафакт ва фальсификация қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини, идентификациялаш, алкоғолли ва алкоғолсиз салқин ичимликларнинг кимёвий таркибини замонавий усулларда аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасига экспорт ва импорт қилинаётган алкоғолли ва алкоғолсиз салқин ичимликларнинг ТИФ ТН асосида таснифлаш қоидаларига мувофиқ декларацияланаётган товарларни муайян ўн рақамли подсубпозицияда аниқ таснифлаш имконини ва давлат бюджетига тўловлар тушумини кам ундирилишига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилиш;

алкоғолли ва алкоғолсиз салқин ичимликларнинг кимёвий таркиби асосида янги товар кодларини ишлаб чиқиш уларни тавсифлаш ва изоҳлар тайёрлаш, божхона экспертизасининг тезкор ва самарадор услубларини ишлаб чиқиш;

алкоғолли ва алкоғолсиз салқин ичимликларининг меъзонлар асосида таснифлашнинг содда экспресс усуллари яратиш ҳамда амалиётга жорий қилиш;

янги таклиф этиладиган товар кодларини миллий товар номенклатурасида қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига таклифлар киритиш ҳамда олинган илмий натижалардан Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида ўқув жараёнида фойдаланиш;

ишлаб чиқилган товарларни таснифлаш усуллари ТИФда хизмат кўрсатувчи декларантлар, ТИФ қатнашчилари, тадбиркорлик субъектлари, божхона экспертларига товар коди мутаносиблигини аниқлашларида қўллаш учун таклифлар киритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган контрафакт ва фальсификация қилинган алкоғол ва алкоғолсиз салқин ичимликлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасининг 2017 йил версияси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** алкоғолли ва алкоғолсиз салқин ичимликлар таркибини кимёвий усуллар билан таснифлаш ва идентификациялаш, ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг божхона экспертизасини тўғри ташкил этишга хизмат қилувчи тезкор усуллари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида Алкоголли ва алкогольсиз салқин ичимликларини ТИФ ТНни талқин этишнинг 6 та ОПИ қондаси бўйича таснифлаш усуллари, идентификациялаш, иерархик, фасет ва тавсифловчи, тоифалаш каби усуллари қўлланилган. Шунингдек, оргонолептика, физик-кимёвий, Фотоколориметрик, суюқлик газ хроматографияси ҳамда таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

божхона соҳасида контрафакт ва фальсифкация қилинган алкогольли ва алкогольсиз салқин ичимликларни таҳлил қилишнинг содда замонавий экспресс усуллари ишлаб чиқилган;

алкоголли ва алкогольсиз ичимликларнинг кимёвий таркиби ва унинг инсон саломатлигига таъсир этувчи омилларини алкогольсиз салқин ичимликлар турига кирувчи энергетик салқин ичимликлар таркибидаги психотроп моддалар синфига кирувчи кофеин, гуарин, таурин инсон саломатлиги учун қай даражада хавфлилиги аниқланган;

божхона амалиётида салқин ичимликларни Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН асосида тўғри таснифлаш меъзонлари ишлаб чиқилган;

истеъмол қилинаётган ва четдан экспорт қилинаётган алкогольсиз салқин ичимликлар таркибига кирувчи энергетик салқин ичимликлар ТИФ ТН да 2202 товар позициясида товарларни таснифлашнинг қулай илмий - методологик асослари яратилган;

Ўзбекистон Республикасида четдан экспорт қилинаётган алкогольсиз салқин ичимликлар таркибига кирувчи энергетик салқин ичимликларни ТИФ ТН да 2202 товар позициясида товарларни таснифлашнинг қулай илмий - методологик асослари яратилган;

илк бор республикада экспорт қилинаётган қилинаётган ТИФ ТНда 2202 товар гуруҳидаги алкогольсиз салқин ичимликлар таркибига кирувчи энергетик салқин ичимликларнинг кимёвий хоссалари, кимёвий таркибининг хроматографик таҳлилига асосланиб, янги жами 9 та янги ТИФ ТН код рақамлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

суюқлик хроматографияси усули ёрдамида энергетик салқин ичимликлар ва алкогольсиз салқин ичимликлар учун ТИФ ТН код рақамлари ишлаб чиқилган;

ТИФ ТНнинг 22- гуруҳида алкогольсиз ичимликлар таркибида этил спиртининг концентрацияси 0,5% ҳажмдан кўп бўлмаганда 2203-2220 товар позицияларида таснифланган;

ТИФ ТН бўйича таснифлаш, улардан ундириладиган божхона тўловларини тўғри ундирилишини таъминлаш мақсадида 2202 10 – товар субпозицияда турли хил ҳажм миқдордаги ва турли хил идишларда қадокланган алкогольсиз маҳсулотларнинг кофеин миқдorigа кўра алоҳида-алоҳида янги ТИФ ТН код рақамлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги алкогольсиз салқин ичимликлар таркибига кирувчи энергетик



салқин ичимликлар таркибидаги хавфли кимёвий моддаларни таснифлаш усули, суюқлик хроматографияси усулини қўлланилиши билан асосланган, замонавий суюқлик хроматографияси кимёвий таҳлил қилишнинг синовдан ўтган усулини ишлатилиши, таклиф этилган усулни талаб даражасида яқинлиги, назарий ва амалий илмий-тадқиқот ишлари натижалари статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги, амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти контрафакт ва фальсификация қилинган алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликларнинг кимёвий таркиби ва унинг инсон саломатлигига таъсир этувчи омилларини алкоғолсиз салқин ичимликлар турига кирувчи энергетик салқин ичимликлар таркибидаги психотроп моддалар синфига кирувчи кофеин, гуарин, таурин инсон саломатлиги учун қай даражада хавфлилиги яъни божхона текширувларида идентификация қилишда яратилган янги ТИФ ТН код рақамлар яратишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алкоғолсиз салқин ичимлик маҳсулотларини таснифлашда замонавий кимёвий усулларга асосланган текширишнинг янги услублари таклиф этилганлиги, маҳсулотни кимёвий таркиби асосида синфларга ажратилганлиги, алкоғолсиз салқин ичимликларни анализ қилиш усулларининг такомиллаштирилганлиги, кимёвий усулларини қўллаган ҳолда олинган натижаларнинг таҳлилинини амалга оширишда замонавий суюқлик хроматографияси методи қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алкоғолсиз салқин ичимликлар таркибига кирувчи энергетик салқин ичимликларни ТИФ ТН асосида таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ТИФ ТНнинг 2202 товар гуруҳидаги алкоғолсиз салқин ичимликларининг хар хил параметрларини фарқлайдиган миллий товарлар номенклатураси бўйича ўн хонали Pepsi учун 2202 10 000 1, Тархун учун 2202 10 000 2, Coca Cola учун 2202 10 000 3, Фанта учун 2202 10 000 4, Алое учун 2202 10 000 5 янги код рақамлари Давлат божхона қўмитасининг «2022 йил амалиётга жорий этиш рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 26 июлдаги 1/16-217-сон маълумотномаси). Натижада, экспорт ва импорт қилинадиган салқин ичимликларни тўғри таснифлаш имконини берган;

ТИФ ТНнинг 2202 товар гуруҳидаги алкоғолсиз салқин ичимликларининг хар хил параметрларини фарқлайдиган миллий товарлар номенклатураси бўйича ўн хонали Торнадао энергетик ичимлиги учун 2202 10 000 6, Gorilla энергетик салқин ичимлик учун 2202 10 000 7, Toxic энергетик салқин ичимлик учун 2202 10000 8, Red Bull энергетик салқин ичимлик учун 2202 10 000 жами 9 янги код рақамлари Давлат божхона қўмитасининг «2022 йил амалиётга жорий этиш рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 26

июлдаги 1/16-217-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф этилган ТИФ ТН асосида янги товар кодлари божхона божлари тўғри ва тўлиқ ундирилиши, божхона статистикаси тўғри юритилиши, шунингдек миллий иқтисодий хавфсизлигини таъминланиш имконини беради;

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.


**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 3 та мақола республика ва 2 та халқаро журналларда нашр этилган, 1 та услубий қўлланма ва 1 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 19 та жадвал, 15 та расм ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Контрафакт ва фальсификация қилинган маҳсулотларни индентификациялашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида, бугунги кунда дунё миқёсида долзарб муаммолардан бири бўлган контрафакт товарлар ва сифатсиз маҳсулотлар, дунёнинг барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қатори Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига ва аҳолининг саломатлигига жиддий хавф солаётган асосий омиллардан бири эканлиги– бу мамлакатга ноқонуний йўллар билан сифатсиз товар-моддий бойликларини олиб кирилиши эканлиги таъкидлаб ўтилган. Импорт йўли билан келаётган контрафакт маҳсулотлар нафақат интеллектуал мулк эгасига, шунингдек, солиқ ва божлар тушуми камайиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ташаббускорлиги сусайиши, тўғридан тўғри инвестициялар камайиши, аҳоли соғлигига хавф солиши каби ҳолатлар орқали давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигига, ҳамда халқаро саҳнада давлат нуфузининг пасайиши натижасида сиёсий жиҳатдан ҳам хавфсизликка таҳдид солади (1-расм).



**1-расм. Мамлакат иқтисодиётига контрафакт маҳсулотлар импортининг салбий таъсирлари**

Диссертациянинг “**Контрафакт ва фальсификация қилинган алкоголь ва алкогольсиз маҳсулотларни идентификациялаш**” деб номланган иккинчи бобида, Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг нормалар ва қоидаларга мослиги белгиланган тартибда аниқланиши, бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини, дори воситаларини контрафакт ёки сифатсиз эканлигини божхона ходимлари томонидан чегара ёки ТИФ божхона постларида идентификациялаш амалга оширилишини таъминлаш, Идентификациялаш жараёни контрафакт товарларни таркиб ва хоссаларини аниқлаш эканлиги, қалбаки ёки контрафакт маҳсулотни аниқлашдан олдин ушбу турдаги маҳсулотлар тушунчаларига аниқлик кирита олиш кераклиги, шундагина асл маҳсулотдан қалбакисини аниқлай олиниши ёритилган.



**2-расм. 2019 йил давомида аниқланган сифатсиз маҳсулотлар ҳолати**


2 – расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2019 йил давомида контрафакт сифатсиз товарлар, жумладан, 42 та ҳолатда 611,45 литр акциз маркага эга бўлмаган спиртли ичимликлар, 102 та ҳолатда ўрамида яроқлилик санаси кўрсатилмаган, аҳоли саломатлигига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган қиймати 391,2 млн.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари (конфет, чой, шоколад ва бошқалар), 22 та ҳолатда қиймати 411 млн. 266,5 минг сўмлик дори-дармон воситаларини ноқонуний тарзда республика ҳудудига олиб кирилишини олди олинган.

2017-2019 йилларда аниқланган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, 2017 йил 380 та ҳолатда 6362625,14 минг сўмлик, 2018 йил 426 та ҳолатда 10110372,80 минг сўмлик, 2019 йил давомида 530 та ҳолатда 17515421,20 минг сўмлик сифати кафолатланмаган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ноқонуний олиб кириш ҳолатлари аниқланган



**3-расм. 2019-2020 йилларда аниқланган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари тўғрисида маълумот**

3-расмда 2019-2020 йил давомида аниқланган қалбакилаштирилган, сифатсиз ва контрафакт дори воситалари ва тиббий буюмлар тўғрисида мавжуд маълумотлар таҳлиliga кўра, ташкилот томонидан дори воситалари уч тоифада ўрганилиб кўрилган ва хулосалар берилган. Жумладан, қалбакилаштирилган дори воситалари йилдан йилга, яъни 2017 йил 21 та, 2019 йил 17 та, 2020 йил 5 та ҳолатда камайиб борган. Сифатсиз дори воситалари эса 2019 йил 99 та, 2020 йил 174 та ҳолат билан кўпайган, аммо 2019 йилга келиб 158 та ҳолатга тушган. Учинчи тоифадаги ноқонуний йўллар билан кирилган дори воситалари эса 2019 йил 74 та, 2020 йил 62 та ва 2019 йилда 76 та ҳолатда аниқланган ва бу келтирилган ҳолатлар юзасидан аниқ мезонлар ишлаб чиқилди. Таҳлил натижалари 4- расмда берилган.



**4-расм. 2019-2020 йилларда экспорт ва импорт қилинган алкаголли ичимликлар тўғрисида маълумот.**

Диссертациянинг “ТИФ ТН га мувофиқ 22 товар гуруҳи алкаголли ва алкаголсиз ичимликларнинг таснифланишининг назарий асослари” деб номланган учинчи бобида - ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари, узум ва мева резаворлардан тайёрланган винолар, коньяк алкаголли ичимликлар кимёвий таркиби замонавий Фотоколориметр усули ёрдамида аниқланган. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товарлар номенклатурасининг (ТИФ ТН) “Тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари; алкаголли ва алкаголсиз ичимликлар, уксус; тамаки ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар” номли IV-бўлимининг 22 гуруҳида, 22-гуруҳнинг 2 ва 3 – изохларида мазкур гуруҳларда спиртнинг концентрацияси 20 °С температурада аниқланиши; 2202-товар позициясида "алкаголсиз ичимликлар" деганда спиртнинг концентрацияси 0,5%. кам бўлмаслиги, 2203- позицияда пиволар, 2204-позицияда винолар, 220830 - субпозицияда вискилар, 220840 - субпозицияда ромлар, 220850- субпозицияда - джин и настойкалар, 220860 субпозицияда ароқлар, 220870 –субпозицияда – ликерлар, 220890-субпозицияда бошқа спиртли ароқ, ичимликлар киритилган. Биз, тадқиқот ишимизда фақат ароқ маҳсулотларини ТИФ ТНда таснифланишини ўргандик. Амалдаги ТИФ ТНда ароқнинг спирт концентрацияси 45,4% гача ва ундан кўп миқдорда ва 2 л идишда ёки ундан кўп идишдаги ароқлар 4 та код рақами билан таснифланиши келтирилган.

Фотоколориметр ёрдамида Алкаголли ичимликлар таркибидаги баъзи кимёвий моддалар номувофиқлиги қуйидаги 2- жадвалдаги келтирилган.

2 ва 3- жадваллардаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилган намуналар таркибида метил спиртининг миқдори меъеридан кўплиги аниқланди, шунингдек, захарли элементлари (Альдегид мл/дм<sup>3</sup> Фузел мойи мкм/мл дм<sup>3</sup>.) миқдорлари меъеридан кўплиги аниқланди ва истеъмолга ярақсиз деб топилди.

Эксперимент натижаларидан келиб чиққан ҳолда, алкогольли ичимликлар таркибига кирувчи ароқ маҳсулотларини тўғри ТИФ ТН бўйича таснифлаш ва улардан ундириладиган божхона тўловларини тўғри ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида, бизнинг фикримизча, 220860 - товарнинг субпозицияда турли хил хажм миқдордаги ва турли хил идишларда қадоқланган ароқ маҳсулотлари учун ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида янги ТИФ ТН код рақамларини киритиш мақсадга мувофиқ деб, топилди.

## 2-жадвал

### Фотоколориметр усули ёрдамида ароқ таркибидаги кимёвий моддаларнинг аниқлашнинг синов натижалари. (мувофиқлигига қараб)

Т/р	Талаб параметрлари номи	Талаб параметрларининг маъноси		Талабларнинг параметрларга мувофиқлиги
Заҳарли элементлар мг\кг дан кам бўлмаган				
		НД малумотларига кўра	Асос	
1	МК альдегид мг/л дан ортиқ эмас	4,0 гача	30,7	нормувофиқ
2	Фузел мойи мкм/мг/л	4,0 гача	26,8	нормувофиқ
3	Метил спиртининг миқдори	0,05	0,13	нормувофиқ

## 3-жадвал

### Фотоколориметр усули ёрдамида Ароқ таркибидаги кимёвий моддаларнинг аниқлашнинг синов натижалари. (мувофиқлигига қараб)

Т/р	Талаб параметрлари номи	Талаб параметрларининг маъноси		Талабларнинг параметрларга мувофиқлиги
Заҳарли элементлар мг\кг дан кам бўлмаган				
		НД малумотларига кўра	Асос	
1	Қўрғошин	0,3	0,00	мувофиқ
2	Мишяк	0,2	0,00	мувофиқ
3	Кадмий	0,03	0,00	мувофиқ
4	Симоб	0,005	0,00	мувофиқ
5	Мис	5,0	0,58	мувофиқ
6	Рух	10,0	1,20	мувофиқ
7	Темир	15,0	7,5	мувофиқ
8	МК сирка альдегид мг/ л дан ортиқ эмас	8,0 гача	11,7	нормувофиқ
9	Фузел мойининг юқори спиртли ичимликлар мкм/мг/ л	4,0 гача	6,8	нормувофиқ
10	Метил спиртининг миқдори	0,05	0,13	нормувофиқ


Диссертациянинг “Алкоголсиз салқин ичимликларни ТИФ ТН асосида таснифлаш” деб номланган тўртинчи бобида сифатсиз контрафакт товарларни таркибини аниқлаш мақсадида, илмий- тадқиқот ишида

Замонавий суюқлик хроматография усулидан фойдаланиб, махсус салқин ичимликлар туркумига киритилган 9 турдаги энергетик ичимликлар таркибидаги кофеин миқдори таҳлил этилди. Эксперимент натижаларга кўра Gorilla, RedBull, Toxic ва Tornado энергетик салқин ичимликлари таркибида кофеин миқдори кўплиги аниқланди унга кўра , Gorilla энергетик салқин ичимлигида кофеин миқдори-263,5558059 мг, Red Bull энергетик салқин ичимлигида кофеин миқдори-272,084124, Toxic энергетик салқин ичимлигида кофеин миқдори -790,0828807, Tornado энергетик салқин ичимлигида кофеин миқдори-214,5360897 мг ни ташкил этади бу кўрсаткичлар стандарт меъёрига мувофиқ эмаслиги аниқланди (4- жадвал).

#### 4-жадвал


### Алкоголсиз салқин ичимликлар учун замонавий суюқлик хроматографияси натижалари (Кофеин, гуарана ва таурин миқдори)

Махсулот номи	Тадқиқот элементлари	Идентификация	Эрувчанлик	Эриш харорати, °С	Кофеин миқдори мг /л
Кофеин	Pepsi салқин ичимлик	Кофеин ва намуна эритмасининг максимал ушлаб туриш муддати стандарт эритманинг сақланиш вақтига тўғри келади.	Сувда ва қайноқ сувда оз эрийди.	234 °С-239 °С	106,3462484
Кофеин, гуарана, таурин	Tornado энергетик салқин ичимлиги	Гуарана, таурин, кофеиннинг максимал сақлаш муддати стандарт эритманинг сақланиш муддатига тўғри келади.	Қайнаётган сувда эркин эрийди.	234 °С–239°С	214,5360897
Кофеин, гуарана, таурин	Gorilla энергетик салқин ичимлиги	Гуарана, таурин, кофеиннинг максимал сақлаш муддати стандарт эритманинг сақланиш муддатига тўғри келади.	Қайнаётган сувда эркин эрийди.	234 °С- 239 °С	263,5558059
Кофеин, гуарана, таурин	Toxic энергетик салқин ичимлиги	Гуарана, таурин, кофеиннинг максимал сақлаш муддати стандарт эритманинг сақланиш муддатига тўғри келади.	Қайнаётган сувда эркин эрийди.	234°С-239°С	790,0828807
Кофеин, гуарана, таурин	Red Bull – энергетик салқин ичимлиги	Гуарана, таурин, кофеиннинг максимал сақлаш муддати стандарт эритманинг сақланиш муддатига тўғри келади.	Қайнаётган сувда эркин эрийди.	234 °С- 239 °С	272,084124
Кофеин	Тархун салқин ичимлик	Кофеин ва намуна эритмасининг максимал ушлаб туриш муддати стандарт эритманинг сақланиш вақтига тўғри келади.	Сувда ва қайноқ сувда оз эрийди.	230°С-237°С	йўқ
Кофеин	Sosacola салқин ичимлик	Кофеин ва намуна эритмасининг максимал ушлаб туриш муддати стандарт эритманинг сақланиш вақтига тўғри келади.	Сувда ва қайноқ сувда оз эрийди.	230°С-237°С	87,82501715
Кофеин	Фанта салқин ичимлик	Кофеин ва намуна эритмасининг максимал ушлаб туриш муддати стандарт эритманинг сақланиш вақтига тўғри келади.	Сувда ва қайноқ сувда оз эрийди.	230°С-237 °С	йўқ
Кофеин	Алое салқин ичимлик	Кофеин ва намуна эритмасининг максимал ушлаб туриш муддати стандарт эритманинг сақланиш вақтига тўғри келади.	Сувда ва қайноқ сувда оз эрийди.	230°С-237°С	йўқ



**5-расм. Red Bull салқин ичимлигининг ГЖХ спектри натижалари.**

Эйжилит маркали юқори самарали суюқлик хроматографиясидан фойдаланиб Red Bull энергетик салқин ичимлиги таркибидаги кофеин, гуарана, таурин кимёвий моддалари эксперимент натижаларига кўра Таурин кимёвий моддаси бошланғич 1-2- дақиқада, 3-4 аура оралиғида 1,314 мг ни, гуарин бошланғич 3-дақиқада,1-2 аура оралиғида 2.647 мг, кофеин кимёвий моддаси 2- дақиқада,4 дан юқори аура оралиғида 159,5 мг ни ташкил этган.



**6-расм. Gorilla салқин ичимликларни ГЖХ спектри натижалари.**

Эйжилит маркали юқори самарали суюқлик хроматографиясидан фойдаланиб Gorilla энергетик салқин ичимлиги таркибидаги кофеин, гуарана, таурин кимёвий моддалари эксперимент натижаларига кўра Таурин кимёвий моддаси бошланғич 1-2- дақиқада, 3-4 аура оралиғида 1,314 мг ни, гуарин бошланғич 3-дақиқада,1-2 аура оралиғида 2.647 мг, кофеин кимёвий моддаси 2- дақиқада,4 дан юқори аура оралиғида 159,5 мг ни ташкил этган.



Таҳлил натижаларига (4,5 расмлар) кўра, 9 та намуналардан таркибида меёридан ортиқ кофеин моддаси сақлаган алкогольсиз энергетик салқин ичимликлар 8 ва 9 намуналар, Red Bull ва Горилла эканлиги аниқланди (4-жадвал).

Алкоғолсиз маҳсулотларини тўғри ТИФ ТН бўйича таснифлаш ва улардан ундириладиган божхона тўловларини тўғри ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида, бизнинг фикримизча, 220299 - товарнинг субпозицияда турли хил ҳажм миқдордаги ва турли хил идишларда қадоқланган алкогольсиз маҳсулотлари учун ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида янги ТИФ ТН код рақамларини киритиш мақсадга мувофиқ деб, топилди.

5-жадвалдаги маълумотларга асосланиб тадқиқот ишимизда эксперимент қилинган салқин ичимликларнинг кимёвий параметрларни урганиб янги код рақамларини киритишни тавсия этдик. Pepsi салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 1, кофеин миқдори (мг/л) 106,3462484, Тархун салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 2 , кофеин миқдори 0, Coca Cola салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 3 , кофеин миқдори 87,82501715, Фанта салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 4, кофеин миқдори 0, Aloe салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 5, кофеин миқдори 0, Tornado энергетик салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 6, кофеин миқдори 214,5360897, Gorilla энергетик салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 7, кофеин миқдори 263,5558059, Toxíc энергетик салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 2202 10 000 8, кофеин миқдори 790,0828807, Red Bull энергетик салқин ичимлиги учун тавсия этилган янги код рақами, 22021 000 9 кофеин миқдори 272,084124.

**Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги** - Алкоголь маҳсулотларининг ТИФ ТН код рақамлари нотўғри расмийлаштирилиши натижасида м-н, “Тошкент оқшоми” номли спиртли ичимлиги таркибида этил спиртининг улуши 40°С ли, 0,7 л ҳажмли, агар мазкур товар 0,5 см<sup>3</sup> ҳажмли деб, нотўғри расмийлаштирилса, 2 баробарга божхона тўловлари ва акциз солиқлари кам ундирилади. М-н, кола, лиманад, мевали соклар, ҳар хил таркибга ва тавсифга эга бўлиб, бозордаги харид нархлари ҳам турлича бўлишига қарамай битта ТИФ ТН коди билан таснифланади. Тахлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, турли хил таркибга эга бўлган салқин ичимликлар битта код рақами билан таснифланган. Республикага импорт бўлган ичимликлар учун ундириладиган божхона тўловларини бир нечта салқин ичимликлар намунаси ўрганилди. Масалан, келиб чиқиш сертификати тақдим этилган тақдирда эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги битимга мувофиқ импорт божи 0 ставка, акциз солиғи эса 20% қилиб белгиланган, ҚҚС 20% ва 0.2% (25 АҚШ доллардан кам эмас, 3000 АҚШ доллардан кўп бўлмаган) божхона йиғимлари ундирилади.

**Алкоголсиз салқин ичимликларга таклиф этилган  
ТИФ ТН код рақамлари**

Махсулот номи	Синов элементи	Эрувчанлик хусусияти	Эриш даври, °С	Кофеин микдори мг/л	ТИФ ТН код рақамлари
Кофеин	Pepsi	Сувда кам эрийди, қайноқ сувда эркин эрийди, озгина эрийди.	234- 239°С	106,3462484	2202 10 000 1
Кофеин	Тархун салқин ичимлик	Сувда кам эрийди, қайноқ сувда эркин эрийди, озгина эрийди.	230-237°С	0	2202 10 000 2
Кофеин	Coca Cola салқин ичимлик	Сувда кам эрийди, қайноқ сувда эркин эрийди, озгина эрийди.	230-237°С	87,82501715	2202 10 000 3
Кофеин	Фанта салқин ичимлик	Сувда кам эрийди, қайноқ сувда эркин эрийди, озгина эрийди.	230-237°С	0	2202 10 000 4
Кофеин	Алое салқин ичимлик	Сувда кам эрийди, қайноқ сувда эркин эрийди, озгина эрийди.	230-237°С	0	2202 10 000 5
Кофеин, гуаран, таурин	Торнадо энергетик салқин ичимлик	Қайноқ сувда эркин эрийди	234- 239°С	214,5360897	2202 10 000 6
Кофеин, гуаран, таурин	Gorilla энергетик салқин ичимлик	Қайноқ сувда эркин эрийди	234 - 239°С	263,5558059	2202 10 000 7
Кофеин, гуаран, таурин	Toxic энергетик салқин ичимлик	Қайноқ сувда эркин эрийди	234- 239°С	790,0828807	2202 10 000 8
Кофеин, гуаран, таурин	Red Bull энергетик салқин ичимлик	Қайноқ сувда эркин эрийди	234- 239°С	272,084124	2202 10 000 9

Марказий банк томонидан белгиланган АҚШ доллар курсининг сўмдаги қиймати 1 АҚШ доллар-10670 сўм, Божхона қиймати  $13\ 000 \cdot 10670 = 109\ 980\ 000$  сўмни ташкил қилади (*Эслатма: 2021 йил ҳолатлари бўйича сўмга нисбатан АҚШ курси ҳисобланган*).

Божхона юк декларациясида салқин ичимликларининг ТИФ ТН коди нотўғри таснифланганлиги аниқланиб, қўшимча божхона тўловлари ундирилган, яъни экспертиза қилинган салқин ичимликларнинг намуналари нотўғри ТИФ ТН код билан расмийлаштирилиши натижасида 2 та ҳолатда, жами 200 млн. сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикасининг божхона тизимида, илк маротаба, илмий жиҳатдан асосланган ТИФ ТН асосида таснифлаш ва республиканинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизими яратилди.

## ХУЛОСАЛАР

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидагича умумий хулосалар шакллантирилган.

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Контрафакцияга қарши курашувчи халқаро ташкилотлар ҳисоботлари – ҳамда статистик таҳлилларга кўра, дунё бозорларида йилдан-йилга контрафакт товарлар кўлами ва турлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Асосий контрафакт товарлар Хитой (улуши 70%дан ортиқ), Бразилия, Россия Федерацияси (РФ), Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Индонезия, Вьетнам ва Украинада ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон ялпи импортида 51,2% ташкил этади. Контрафакт ва қалбаки маҳсулотлар билан курашиш мақсадида, божхона экспертизаси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

2. ТИФ ТН асосида таснифлаш йўналишларида илмий изланишлар олиб борилган бироқ, Алкоголли ва алкогольсиз ичимликларнинг хусусан алкогольсиз салқин ичимликлар таркибига кирувчи энергетик ичимликлар хавфлилиги ва хавфсизлиги ва улар таркибидаги кимёвий моддаларни ТИФ ТН бўйича таснифлашни усуллари бўйича изланишлар олиб бориш зарурлиги асослаб берилди.

3. Илк бора, ТИФ ТНнинг 2202-товар позициясидаги алкоголь ва алкогольсиз ичимликларининг товар ҳолатини белгиловчи органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари (ранги, ташқи кўриниши, кимёвий таркиби...) ҳамда уларни аниқлаш усуллари илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, ТИФ ТН товар код рақамларини аниқлаш меъзонлари ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия этилди.

4. ТИФ ТНнинг 2202 товар гуруҳидаги алкогольсиз салқин ичимликнинг бир хил ва аксинча бўлган параметрлари фарқлайдиган мезонлари учун уникал ТИФ ТН товар кодлари илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Миллий товарлар номенклатураси бўйича қуйидаги 9 та ўн хонали Перси учун 2202 10 000 1, Тархун учун 2202 10 000 2, Coca Cola учун 2202

10 000 3, Фанта учун 2202 10 000 4, Алое учун 22020 10 000 5, Торнадао энергетик ичимлиги учун 2202 10 000 6, Gorilla энергетик салқин ичимлик учун 2202 10 000 7, Toxic энергетик салқин ичимлик учун 2202 10 000 8, Red Bull энергетик салқин ичимлик учун 2202 10 000 9 янги код рақамлари ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун Давлат божхона қўмитасига тавсия этилди.

5. 2 та ҳолатда импорт қилинган БЮДа алкоголь маҳсулотларининг ТИФ ТН коди нотўғри таснифланганлиги аниқланиб, 200 млн. сўм қўшимча божхона тўловлари ундирилган ва мамлакат иқтисодий хавфсизлиги таъминлашда товар кодларини тўғри аниқлаш зарурлиги асослаб берилган.

6. Таҳлил этилган алкогольсиз салқин ичимликлар таркибида кофеин миқдори меъеридан кўплиги (кофеиннинг стандарт эритмасига нисбатан) замонавий суюқлик хроматографияси усуллари орқали, аниқланди. Энергетик салқин ичимликлардан Red Bull Gorilla, Toxic ичимликлари таркибидаги инсон организми учун хавфли ҳисобланган Кофеин, таурин, гуарана моддалари борлиги аниқланди. Шунингдек, Тархун, фанта, алое, кока кола пепси, Storm Tornado, ичимликлари таркибида кофеин миқдори меъеридан камлиги аниқланди.

7. Мамлакатимизга олиб кирилаётган қалбаки, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини замонавий суюқлик хроматографияси, физик-кимёвий, фото- кlorо метрик воситаларида аниқлаш усуллари яратилди ҳамда салқин ичимликларнинг ягона ТИФ ТН бўйича таснифланиш тизими ишлаб чиқилди ва божхона амалиётига тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**РАДЖАБОВА ЛОБАР РАМАЗОНОВНА**

**РАЗРАБОТКА МЕТОДЫ ХИМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА  
КОНТРАФАКТНЫХ ТОВАРОВ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

**02.00.09 -Химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/K237.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:** Каримкулов Курбонкул Мавланкулович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Рахимов Дилшод Ахмедович  
доктор химических наук, профессор  
Хамрокулов Махмуджон Гафурджанович  
доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:** Андижанский государственный университет


Защита диссертации состоится «28» сентября 2021 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K / Т.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: [tcti\\_info@edu.uz](mailto:tcti_info@edu.uz).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 121 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21.


Автореферат диссертации разослан «18» сентября 2021 года.

(протокол рассылки \_\_\_\_\_ от 20 «18» сентября 2021 г)



  
Х. Л. Пулатов  
Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней  
д.х.н., профессор

  
Ф. Б. Игитов  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
PhD доцент

  
Д. А. Рахимов  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Данная работа по внедрению Международных стандартов и рекомендаций Всемирной торговой организации, Всемирной таможенной организации и других международных организаций в национальное законодательство требует совершенствования таможенного администрирования и упрощения таможенных процедур. По данным Всемирной организации здравоохранения (2018), ежегодно на нашей планете 600 миллионов человек, т.е. каждые 10 человек отравляются некачественной пищей, 420 тысяч человек умирают, 2,5 миллиона человек отравляются контрафактной и некачественной алкогольной продукцией. Эти данные также показывают, что обеспечение населения качественным питанием, является одной из самых актуальных задач.

В целях выявления контрафактных и некачественных товаров в мире проводятся научные исследования в области автомобильной промышленности, инноваций, товарных знаков и промышленных образцов, а также применения контрафактных и поддельных пищевых продуктов, законов и тенденций в области идентификации.

В связи с этим, особое внимание уделяется в том числе разработке новых товарных кодов на основе химического состава алкогольных и безалкогольных прохладительных напитков, их описанию и подготовке толкований; разработке быстрых и эффективных методов таможенной экспертизы; разработке новых товарных кодов на основе химического состава алкогольных и безалкогольных прохладительных напитков, их описание и подготовка толкований, разработка быстрых и эффективных методов таможенной экспертизы; разработке и внедрению простых экспресс-методов классификации алкогольных и безалкогольных прохладительных напитков на основе критериев.

Разработка новых товарных кодов продуктов на основе химического состава алкогольных и безалкогольных прохладительных напитков в Республике дает научные и практические результаты для их описания и подготовки толкований.

Практическая значимость исследования: химический состав контрафактных и фальсифицированных алкогольных и безалкогольных напитков и его факторы, влияющие на здоровье человека, насколько опасны для здоровья человека кофеин, гуарин, таурин, относящиеся к классу психотропных веществ в энергетических напитках, которые относятся к категории безалкогольных напитков, то есть новый код *ТН ВЭД*, созданный во время идентификации при таможенных проверках, будет основой для генерации номеров.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи, направленные на “...дальнейшее совершенствование осуществления экспортно-импортных операций,

сокращение времени регистрации, количества необходимых документов и затрат»<sup>1</sup> а также, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О дальнейших реформах и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** С целью изучения уровня изученности контрафактной и фальсифицированной пищевой продукции в Узбекистане, проблем и перспектив данной темы отечественными и зарубежными учеными был проанализирован ряд научных исследований, диссертаций, монографий, статей. В этом направлении такие зарубежные ученые как: М.В. Донг (США), Л.А. Буч (США), Дж. Уильям (США), Т. Майкл (Англия), Ху Чунью (Китай), П.Дж. Entwisle (Германия), J.O. Омамого (Япония), П.В. Афонин, И.К. Сальников, С.А. Савчук, Д. Ярошенко, Я.И. Яшин, А.Я. Яшин, В. Д. Гладилович, Е.П. Подольская, А.А. Формановский, Е. Бабанова, Н.В. Веселовская, Б. Изотов, М. Рабинович, Э. Бродский, В.В. Ерофеев провели обширные исследования, в частности, достигли высоких результатов в определении оптимальных методов выявления контрафактной продукции различными способами и обосновании законами науки негативного воздействия этих товаров на жизнь человека. В деятельности таможенной экспертизы в Узбекистане проводилась научная работа по проблемам выявления контрафактной и фальсифицированной пищевой продукции методами физико-химического анализа, такими учеными, как И.Р.Аскарров, К. Каримкулов, Л.Т. Пулатова, Г.Хамрокулов, А.А. Ибрагимов, Х. Исаков, М.А. Ахмадалиев, Ш.Х. Абдуллоев, Н.Х. Тухтабоев, Б.Абдуганиев, Ш.Киргизов, А.Кулимов, А.Абдурахманова и др. выполнена научная работа и достигнуты положительные результаты.

Исследования по систематизации причин проблем с классификацией характеристик брендов алкогольных и безалкогольных прохладительных напитков и поиску способов их минимизации не проводились. В существующей литературе, а также в научных публикациях по классификации товаров, их назначение дается только научным решениям некоторых задач по методам классификации товаров. Анализ данных из практических источников требует изучения химического состава товаров для классификации этих товаров согласно Товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД).

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “ О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”



**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.**

